

## **ҚАҲРАМОН ҲАРАКТЕРИНИ ОЧИШДАГИ ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ВА ТАРЖИМА**

**Мадумаров Муҳаммадодил,**

Қўқон Университети, Жаҳон тиллари кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Экстралингвистик воситалар ва таржима кўрсаткичлари, қаҳрамон характерининг таърифида сўзларни таржима қилишда муҳим амалга оширилади. Қаҳрамонларни очишда қўлланадиган экстралингвистик воситаларни ва таржима учун асосий амалларни муҳокама қилиш мақсад қилинган. Бу амалга оширилиши қаҳрамонларнинг сўзлари ва тартиботлари, уларнинг маноси ва тўғри англамаслиги ҳамда англий тилда бошқа марказий муҳимликдаги маъноларни беришга асосланади. Экстралингвистик воситалар, масалан, тарихий кентлар, тарихий романлар ва тарихий ўқитишлар, ўқув китоблари ва ўқув мақолалари, ҳикоялар, кино ва сериаллар, мусика ва суратлар, таржима учун асосий материаллар сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, таржима қилинадиган мазмунларни таърифлашда қаҳрамонларнинг маноси ва шахсийликлари, уларнинг ўзаро ўзгариши, маънавий таъсири, сирли хусусиятлари, айрим барча кўринишлари ва таржимадаги маноси кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Экстралингвистика, новербал воситалар, таржима, бадий психологизм.

Абдулла Қодирий асарларининг, жумладан, «Ўткан кунлар» романининг тили жозибали, тасвирий тилдир, бу тасвирийлик эса, нафақат тавсифийликка, балки айни пайтда таҳлилга ҳам асосланади. Ёзувчининг ўзига хос услубларидан бири воқеаларнинг сирли баён қилинишидир. Абдулла Қодирий асаридаги бу бадийлик, эстетик нафосат, энг аввало, тасвирнинг аниқ ва равшанлигидан келиб чиқади.

Америкалик тадқиқотчи Марк Риз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини инглиз тилига таржима қилиш учун 15 йил умрини сарфлади. У таржимадаги қийинчиликлар, нима учун асар шунчаки муҳаббат ҳикояси эмас, аввало ислохотлар ғояси ҳақида эканлиги ва қандай қилиб Қодирий асар орқали муҳим ижтимоий муаммоларни олиб чиққанлиги ҳақида сўз юритди. У шунингдек жадидлар ва уларнинг ғоялари бугун қанчалик ҳаётга тадбиқ этилганлиги ҳақида фикр билдирди.

Таржимонни ҳаммуаллиф ҳам дейишади. Лекин бунда асл маънода тушунмаслик керак. Асар мазмунини ўзидай қайта тиклаб, бошқа тилда аслиятга ҳамоҳанг асар ярата олган таржимонгина ҳаммуаллиф саналади. Таржимоннинг қандай воситалар ёрдамида бунга эришгани - унинг истеъдодига, асари таржима қилинаётган ёзувчини қандай тушунишига, муаллифнинг бадий усул ва услуби, асарнинг миллий ўзига хослигини қай даражада билишига боғлиқ. Марк Риз «Ўткан кунлар» романида ёзувчи ортидан онгли равишда эргаша бориб, муаллиф услубининг баъзи бир томонларини қайта кашф этиб, асар мазмунини тўғри талқин этган.

НOVERBAL мулоқот, тана тили бу — ўзаро мулоқот жараёнидаги сўз қўлламасдан образ, оҳанг, ҳаракат, мимикалар орқали нутқ ва тил воситаларисиз коммуникатив таъсир

этишдир. Бундай “мулоқот” қуроли бўлиб фикрни кенг ва атрофлича ифодалай оладиган восита ва усулларга эга инсон танаси ҳисобланади. Шунинг учун бундай алоқа “тана тили” деб юритилади. Новербал белгиларнинг тўғри инерпретацияси самарали мулоқотнинг муҳим шартлари саналади. Ҳаракат ва тана ҳолатлари тилини билиш суҳбатдошни яхши тушунишнигина эмас, унинг фикрини олдиндан кўра олиш имконини беради. Тил воситаларисиз қўлланиладиган бундай мулоқот кўзлаган натижага эришиш имконини беради.

Новербал воситалар мулоқот жараёнини бошқариш, суҳбатдошлар ўртасида руҳий алоқани яратиш, сўз орқали берилган маъноларни бойитиш, сўз матни маъносини таҳлилга йўналтириш, ҳиссиётларни ифодалаш ва вазият изоҳини акс эттиришда қўлланади.

“Ўткан кунлар” романи муаллифи қаҳрамон характерини очиб беришда муаллиф характеристикаси, портрет, бадиий психологизм, персонаж нутқи каби бадиий унсурлардан моҳирона фойдаланган. Жумладан, асар қаҳрамонларини тўлақонли яратишнинг самарали воситаларидан бири бўлган бадиий психологизм экстралингвистик воситалар ифодасида ёрқин тасвирлаб берилган.

“Ўткан кунлар” да муаллифнинг ўзига хос услубларидан бири тасвирланаётган воқеаларнинг маълум томонини сир сақлашидир. Бу усул асарнинг боши — “Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли” бобидаёқ китобхон диққатини тортади:

*... Раҳмат сўздан четда қолдирмас учун Отабекни ҳам ораға олди:*

*— Бизнинг Марғилонда бир қиз бор,— деди,— шундоғ кўҳликки, бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас, деб ўйлайман... Унинг ҳавлиси пойафзал растасининг бурчагидаги иморатдир...*

*... Отабек .... нима учундир ғайри-ихтиёрий бир тебранди. Унинг юзида бир ўзгариш ва вужудда бир чайқалиш бор эди. (12)*

Ўқувчига номаълум воқеа натижасида Отабек руҳиятида рўй бераётган ўзгариш таржимада ҳам очиб берилган:

Таржимаси:

Rahmat, attempting to keep the conversation from falling into a lull again, declared to Otabek, “There is a girl in Margilan... Such a beauty! I think she has no equal; in all our city, I have never seen no beauty to rival her own.” ...his house is situated on the corner of the shoe market...

“...Perhaps,” said Otabek, siezed by involunteer shiver as if chilled by an seen draft. His face shifted from its usual calm to strange, slight swaying from side to side. (31)

Таржимон Отабекнинг имо-ишораси, гавда ҳаракатларини эътибор билан ўгирганлиги натижасида қаҳрамон характери, ҳиссий ҳолати ҳақида фикрларни бойитишга эриша олган.

Муаллиф Отабекнинг руҳий, ҳиссий ҳолатини ифода этувчи информатив-характерловчи нолисоний воситалардан моҳирона фойдаланади:

*...Аммо Отабек нима учундир тез кира бермади. Хўжра эшиги очилганидан, шамъ ёқилиб, ўрин ёзилганидан гўё хабарсиз каби устунға суялганча қотиб турар эди... Бироқ Отабек тўшаги ёниға ўлтурди-да, яна ўйлаб қолди...” (20).*

Аслиятда қаҳрамон руҳиятида рўй бераётган бу ўзгариш инглиз китобхонига куйидагича етказилган:

Yet, strangely, Otabek remained outside for sometime and even the door to their cell finally opened, Otabek still lingered in the doorway...Otabek continued to sit on his bedding, his mind deep in some trance. (40)

Бадиий таржима қанчалик қийин иш эканлигини бу жараёни бошидан ўтказган одамгина англайди. Бир тилда яратилган бадиий воқеликни бошқа тил воситасида қайта яратиш, айниқса типологик узоқ тилга ўгиришда таржимондан жуда катта маҳорат талаб қилинади. Таржимон Марк ... тилшунослик рамкаларининг ўзи билангина тушунилмайдиган ғайрилисоний (экстралингвистик) ҳодисалар моҳиятини англаб тўғри ўгира олган.

Марғилоннинг энг гўзал қизи бўлмиш Кумушбибига унаштирилганини эшитган Отабекдаги руҳий ўзгариш романда куйидагича тасвирланади:

*Отабек қизиқ бир ҳолатда қолди: бир турлик титраб кетди, кўзлари қинидан чиқар даражага етди..”(48)*

Таржимада:

A striking transformation overtook Otabek: he was stuck dumb, and his eyes widened, bulging out of their sockets.(68)

Таржимон “*бир турлик титраб кетди*”, “*кўзлари қинидан чиқар даражага етди*” жумлаларини “striking transformation”, “bulging out of their sockets” тарзда ўгириб, имо-ишора, гавда ҳаракатларининг инглизча муқобил лисоний ифодасини бера олган.

Отабекнинг тўй кундаги руҳияти экстралингвистик воситалар асосида ёрқин тасвирланади:

*... Юзлари қизил, оғиз ирпайган, кўзлар ўйнаб аллакимни қидирадир.*(58-бет)

Таржимаси:

His face was red and his mouth bore pained smile. His nervous eyes searched about in different directions for someone.(78)

Бу ўринда шуни таъкидлашимиз жоизки, таржимон тилимизнинг миллий табиатини ҳис қилган ҳолда сўзма-сўз таржимадан қочиб муаллиф услуби оҳорини сақлаб қололган.

Асар воқеаларида Отабек қайнотаси Мирзакарим қутидор билан Ҳомиднинг чақуви ва тухмати сабаб қамоққа олинадилар. Ўтаббой кушбегининг ноҳақ айбловларини эшитган Отабек ва Мирзакарим қутидор ҳолати романда куйидагича тасвирланади:

*Отабек азбаройи бўғилиб кетганидан кўкимтил товланган, қутидор безгаклардек титрай бошлаган эди* (74)

Otabek’s neck constricted and his face turned blue; Qutidor just sat quivering.(95)

Кўрамазки, муаллиф тасвирини аслиятга муқобил яратиш учун кичик услубий сурилишга йўл қўйган. Отабекнинг “исёнчи” айбномани эшитгандан ҳолатидаги “*кўкимтил товланган*” юзи – “*turned blue*” тарзида ўгириб, таржимани жонли тасвирини яратишга эришган.

Отабек китобхон кўз олдида гўзал инсоний фазилатлар эгаси сифатида тасвирланадики, бу унинг қули бўлмиш Хасаналига бўлган муносабатида яққол кўринади. Хасанали Отабекни ўз отасидек сўроқ-савол қилиб, “ошиқлик” лигини ошкор қилгандаги ҳолати:

*Отабек ўзига қаттиқ тикилиб турган Хасаналидан юзини четга буришга мажбур бўлди...Отабек қип-қизил қизариб гуноҳкорлардек ерга қараган эди (26-бет) тарихида берилади.*

Қаҳрамоннинг гўзал ички дунёси, ўзбекона ибо, ҳаёси тасвирини ўзбек ўқувчиси яхши тушунади, тасаввур қила олади. Ғарб дунёқарашда кимнидир севиб қолиши ошкора бўлишидан (ҳатто қиз болалар ҳам) ҳижолат бўлмаслик одатий саналади. Бу ўринда маданиятлараро тафовут мутаржимнинг услубий силлиқлашга боришида кўринади:

Otabek felt compelled to turn his face away from Hasan Ali, who stared hard at him.... Otabek blushed and looked at the ground as if he had committed an egregious sin. (46)

Асарда Отабек Хомиднинг разилона қилмишлари, қабиҳлиги туфайли дор остида ўлим билан юзлашганини, Хомид туфайли Кумушнинг, қайнана-қайнатасининг нафратига дучор бўлганини уста Фарфидан тасодифан билиб қолгани ҳолати моҳирона очиб берилади:

*Ичда қайнаган ҳиссиёт ўз шарпасини унинг юзига очиқ ташлаб турмоқда, кўзи ўт бўлиб ёнар ва юзи юз хил туска кирар эди (233)*

...yet his strong emotion boiled inside him, taking shape in his expressions, his eyes flashing with fire, his face flushed(259)

Таржимон шу оғир вазиятда Отабекда рўй бераётган руҳий ҳолат диалектикасини оча олган.

Роман воқеаларида Хомиднинг ёмонликлари туфайли ҳаёти остин-устин бўлганини Отабекнинг хатидан билган Кумушдаги руҳий зилзилалар ҳам моҳирона тасвирланади:

*Ул титрар эди, кўкараар эди, тўлғонар эди... Ҳозирги энг кучлик ҳиссиётини ҳиссиётнинг аъло ифодачисини бўлган ёш билан тўкар эди (260-бет).*

Kumush shivered, became pale, and squirmed...(288)

Бу ерда Кумушнинг психологик-ҳиссий ҳолатини ташқи қиёфасида акс эттирган

“ *титрар*” - shivered , “*кўкараар*”- became pale, “*тўлғонар*”- squirmed. тарзида ўгирилган экстралингвистик воситанинг маъноси таржима тили маданий контекстига мос эканлигида кўринади.

-*Кумуш тоқатсизланган эди(56)*

-*Kumush was losing her poise...(77)*

*Бироқ Кумушнинг тишини оқини кўриш жуда қийин, унинг ҳамма иши фақат мунғайиб хаёлланишқина (57)*

- Kumush would not reveal her pearly teeth. She sat alone, buried deep in sorrow(77)

*Қутидор эшик остидақўл қовиштириб меҳмонларни кутиб оладир, ер остидан куявиги кўз қирини ташлаб, кишига сездирмай ўзича қулимсираб қўядир (58)*

-Qutidor stood at the gate, arms crossed across his chest, receiving the quests and stealing glances at his son-in-law secretly- smiling to himself.(79)

*Хасанали гиналик қиёфада қошларини чимирди (27)*

– Offended, Hasan Ali raised his ponderous brows.(45)

Таржимоннинг маҳорати шундаки, экстралингвистик воситалар орқали қаҳрамонларнинг руҳий, ҳиссий ҳолатини тасвирловчи бу жумлаларни инглиз тилига худди аслиятдагидек образларнинг юз ўзгаришлари, ишоравий ҳаракатлари тарзида кўчирган.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Madumarov.M.M(2023) TRANSLATION OF THE IMAGERY OF NATURE IN THE NOVEL “DAYS GONE BY” BY ABDULLA QADIRI. “Innovations in technology and science education. Halqaro ilmiy jurnal. ISSN:2181-371X Impact factor 8.2/ № SJIF-2023-5-305 25.10.2023
2. Madumarov.M.M(2023). ABDULLA'S CREATIVITY AND EXPRESSION OF THE NATIONAL SPIRIT. “Innovations in technology and science education. Halqaro ilmiy jurnal. ISSN:2181-371X Impact factor 8.2/ № SJIF-2023-5-305 25.10.2023
3. Madumarov.M.M(2021). “DAYS GONE BY” BY ABDULLAH QADIRI AS A MILESTONE OF NEW RENAISSANCE IN UZBEK NOVELISM. “Uzbekistan on the Way to Third Renaissance: Harmony of Ethnocultural, Historical and Economic Aspects” International Scientific and Practical Conference
4. Madumarov.M.M(2022). ANDRAGOGICAL EDUCATION: WAYS TO USE FICTION TRANSLATIONS IN LEARNING ENGLISH. “Academicia Globe: Underscience Research” xalqaro ilmiy jurnalining 3-soniga qabul qilingan. ISSN:2776-1010 Impact factor 8. № IAR-2023-15-01 04.04.2022
5. Bektoshev Otabek Kodiraliyevich, & Mamurova Shahlo Sultanovna. (2022). GENERAL CONCEPTIONS OF PHRASE, WORD COMBINATION AND PHRASEOLOGICAL UNITS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 1824–1827. Retrieved from <https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/4289>
6. Otabek Kodiraliyevich Bektashev, & Shakhlo Sultanovna Mamurova. (2023). Grammatical Form And Its Types In The Formation Of Word Combinations. Journal of Advanced Zoology, 44(S1), 1211–1215. <https://doi.org/10.53555/jaz.v44iS1.3250>
7. Sultanovich, S. N. (2023). THE ROLE OF TECHNOLOGIES IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING. SUSTAINABILITY OF EDUCATION, SOCIO-ECONOMIC SCIENCE THEORY, 1(11), 136-138.
8. Sultanovich, S. N. (2023). USE OF INTERACTIVE METHODS IN TEACHING ENGLISH. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 2(18), 149-151.
9. Sultanovich, S. N. (2023). METHODS OF TEACHING ENGLISH. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 6(9), 153-156.
10. Khaydarova, C. J. (2022). TEACHING SENTENCE STRUCTURE FOR YOUNG LEARNERS OF ENGLISH AS A FOREIGN LANGUAGE. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(5), 233-236.
11. Isakova, Z. Z., & Khaydarova, C. J. (2021). Expressing value by vowels in english and Uzbek languages. ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH, 10(5), 656-660.

12. Tamanno, V. . (2022). Modern Technologies in Teaching English: Learning, Understanding, Speaking. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 548–555. Retrieved from <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/133>
13. Akhmadjonov, A. (2022, September). PRONUNCIATION PROBLEMS OF STUDENTS AT LOCAL UNIVERSITIES IN UZBEKISTAN. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 6, pp. 65-75).
14. Akhmadjonov, A. (2023). THESIS FOR THE ANALYSIS OF GRAMMAR ACTIVITIES. *RESEARCH AND EDUCATION*, 2(9), 94-97.
15. Akhmadjonov, A. (2023). RESEARCH ON LANGUAGE PLANNING AND POLICY PROPOSAL OF A CHOSEN EDUCATIONAL SCHOOL. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(17), 78-84.
16. Kodirova Nozima Gulomjon kizi. (2024). Features of Reflection of the Concept of Wealth in Linguoculturology. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 5(1), 5-9. Retrieved from <https://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/1127>
17. Kodirova Nozima Gulomjon kizi. (2024). The Concept and its Essence in the Context of Linguoculturology. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 5(1), 40-44. Retrieved from <https://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/1135>
18. Otabek Qodiraliyevich Bektashev, & Dilnoza Suvonkulova. (2023). Linguistic Realization Of Concept “Crime” In Different Languages. *Journal of Advanced Zoology*, 44(S1), 1235–1240. <https://doi.org/10.53555/jaz.v44iS1.3251>
19. Abidjanova, S. (2023). INNOVATIVE APPROACHES OF TEACHING THE ENGLISH LANGUAGE. *Interpretation and Researches*, 1(15). извлечено от <https://interpretationandresearches.uz/index.php/iar/article/view/1415>
20. Rakhmanova, N. (2023). LANGUAGE AND CULTURE: INVESTIGATE THE CONNECTION AMONG LANGUAGE AND CULTURE, ANALYZING HOW LANGUAGE REFLECTS AND SHAPES SOCIAL STANDARDS, VALUES, AND PERSONALITIES. *Talqin Va Tadqiqotlar*, 1(31). извлечено от <https://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/1291>
21. Rakhmonova Nilufar Bakhodirovna. (2024). About Some Features of Authentic Text Materials in Teaching a Foreign Language. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 5(1), 45-49. Retrieved from <https://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/1136>
22. Azimov, S. S. ogli. (2023). DIVIDED BY A COMMON LANGUAGE: A COMPARATIVE STUDY OF AMERICAN AND BRITISH ENGLISH IDIOMS. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(21), 170–178. Retrieved from <https://openidea.uz/index.php/idea/article/view/1801>
23. Urazkulova Anna Vaitalyevna. (2024). THE THEME OF THE EAST IN THE WORK OF LERMONTOV. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 12(2), 190–194. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/5217>

24. Umurzakova Kommuna. (2024). INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA ZAMONAVIY MARKETING KONSEPSIYALARIDAN FOYDALANISH. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 3(4), 1–9. Retrieved from <https://2ndsun.uz/index.php/yt/article/view/663>
25. Умурзакова Коммуна. (2024). ТРУДНОСТИ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 3(4), 10–18. Retrieved from <https://2ndsun.uz/index.php/yt/article/view/664>
26. Умурзакова Коммуна. (2024). ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ЭКАНОМИКЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 3(4), 19–24. Retrieved from <https://2ndsun.uz/index.php/yt/article/view/665>
27. Умурзакова, К. (2024). НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ–ИМПУЛЬС К САМОРАЗВИТИЮ СТУДЕНТОВ. *YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIIY-INNOVATSION TADQIQOTLAR*, 2(3), 1-4.
28. Kommuna, U. (2024). THE EFFECT OF THE DIGITAL ECONOMY ON EDUCATION. *YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIIY-INNOVATSION TADQIQOTLAR*, 2(3), 5-7.
29. Обиджонов, М., & Умурзакова, К. (2024). ВЛИЯНИЕ ДЕЛОВОЙ ЭТИКИ НА БИЗНЕС СРЕДУ. *YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIIY-INNOVATSION TADQIQOTLAR*, 2(3), 8-11.
30. Umurzakova Kommuna. (2024). USE OF MODERN MARKETING CONCEPTS IN AN INNOVATIVE ECONOMY . *International Multidisciplinary Journal of Universal Scientific Prospectives*, 2(3), 1–8. Retrieved from <https://izlanuvchi.uz/index.php/iz/article/view/48>
31. Kommuna Umurzakova. (2024). THE SPECIFICS OF THE TRANSLATION OF TRADITIONAL VALUES IN MODERN DIGITAL INFORMATION DISCOURSE . *International Multidisciplinary Journal of Universal Scientific Prospectives*, 2(3), 9–11. Retrieved from <https://izlanuvchi.uz/index.php/iz/article/view/49>
32. Umurzakova Kommuna. (2024). DOSTON IS A DEVELOPED GENRE OF FOLKLORE IN UZBEKISTAN (DESCRIPTION OF THE MAIN HERO OF EPIC POEM ALPAMYSH). *International Multidisciplinary Journal of Universal Scientific Prospectives*, 2(3), 12–17. Retrieved from <https://izlanuvchi.uz/index.php/iz/article/view/50>
33. Umurzakova, K. K. (2022). Russian language: Yesterday, today and tomorrow.
34. Umurzakova, K. K. (2022). RESEARCH ACTIVITY IS AN IMPULSE TO SELF-DEVELOPMENT OF STUDENTS. *Frontline Social Sciences and History Journal*, 2(03), 39-44.
35. Umurzakova, K. K. (2021). Problems of russian language teaching in higher education and their solutions. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 774-778.
36. Umurzakova, K. (2023). ADVANTAGES OF THE METHOD OF USING STORIES IN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE. *Экономика и социум*, (6-2 (109)), 553-557.